



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

## ПОЙТАХТНИНГ

БИР  
КУНИ

**«ДЕКС» масъулияти чекланган жамияти ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдираётган ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. 60 нафардан зиёд тажрибали ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган жамият цехларига замонавий хорижий технологик линиялар, дастгоҳ ва ускуналар келтириб ўрнатилган ва улар мададида сифатли қуруқ қурилиш аралашмалари тайёрланяпти.**



Ушбу корхона фаолият кўрсатади бошлаганига саккиз йилдан ошиди. Ана шуда мобайнида жамоа қаддини ростлаб, бошқа турдош корхоналар билан рақобатлаша оладиган даражага етди.

—Иморатнинг мустаҳкамлиги аввало курилиш ашёварининг сифатига боғлиқ, — дейди корхона рахбари ўринбосар Эмирхон Озтунч. — Шу боис бинокорлар пишиқ, сифатли хом ашёларни саралаб олганларидан сўнг ишга киришадилар. Сир эмас, курилища ишлатидаган хом ашё махаллий корхоналарда тайёрланган бўлса, нур устига аъло нур. Харажат кам, ишда эса узилиш бўлмайди. Хусусан, бизнинг корхонамизга келсан, маҳсулотларимиз — «Megamix» саъдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган корук курилиш аралашмаларимиз сертификатланган, сифат менемженти тизимишин ISO — 9001 ха-

лаб чиқариш куввати корхонада йил сайнин ортиб бормоқда. 2010 йилда корхонанинг сифатли маҳсулотлари ҳақли равишда эътироф этилиб, халқаро сифат ёрлигин кўлга киритди. Курилиш материаллари нафакат мамлакатимизда харидорлар, балки Афғонистон, Россия, Козофистон, Туркманистон каби хорижий давлатларга экспортилди. Йил сайнин ушбу жамият ҳамкорлари кўпайиб бораёттани, ўзаро ишончли ва фойдаланиш самара-сидир.

Урнатиш юзасидан шартномаларнинг имзоланаётгани, изланишлар, имкониятлардан унумли фойдаланиш самара-сидир.

Асосан маҳаллий хом ашёлар — гипс, цемент, кумдан фойдаланган ҳолда иш юритаётган корхонада замон талабадиран келиб чиқсан ҳолда цехларни модернизациялаш, технологик ва техник кайта жиҳозлаш ишлари давом этилмоқда. Жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотларини қадоқлаш линиялари ҳам талабади даражасида.

Жорий йилда ҳам «ДЕКС» МЧЖ кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан аниқ режалар асосида иш юритаётганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
Козим Улмасов олган сурат**

## БОЛАЛАРНИНГ КИТОБХОНЛИК БАЙРАМИ

Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун китобхонлик байрами ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соглому ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, улар қалби ва онгиди истиқлол гоясига садоқат, она Ватанга муҳаббат, миллий аънана ва қадрияларимизга хурмат тўйгуларини қарор топтириши борасида яратилиган миллий таълим модели хорижда ҳам илғор тажриба сифатида алоҳида эътироф этилаётгани таъкидланди.

Ўшларда эзгу фазилатларни камол топтиришда, солом ва мустақил тафаккурни, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда китобнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Шу мисадда Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Ёзувчilar ушумаси ва бошқа катор ташкилотлар ҳамкорлигида «Адабиёт ҳафталиклари», «Китобхонлик байрамлари», атоқли ёзувчи ва шоирлар, ижодкорлар, маънавият тарбиботчилари билан учрашувлар ўтказиб келинаётir.

— Маърифат масакнимиздан болалар учун мўлжалланган 230 мингдан ортиқ китоб, суратли альбомлар, илмий-маърифий журнал ва рисолалар бор, — дейди Республика болалар кутубхонаси директори Дониёр Ўрлов. — Адабиётлар ўзбек, кўракалпак, туркман, қозоқ, рус ва бошқа тилларда экани тили ва миллатидан қатни назар, ҳар бир китобхоннинг билим ёгаллаш имкониятини кенгайтиради. Ўқувчи ўшларнинг китобга бўлган меҳрини янада кучайтириш, уларда кўшимча адабиётлар билан ишлаш кўнкимасини шакллантириш, билимини мустаҳкамлаш масадидан китобхонлик кечаларини ўтказиш яхши аънана гайланган.

Тадбирда ўғил-қизларга кутубхонанинг фонди, веб-сайти, имкониятлари ҳақида атрофичча маълумотлар берилди. Болалар учун нашр этилган китоблардан иборат кўргазма ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,  
Ўза мухбари

## КИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МК «ВАТАНПАРВАР» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Тошкент бирлашган тех-

ника мактабида ёшлар, ўқитувчилар, фахрийлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида уштирилган маънавий-маърифий тадбир «Уч авлод учрашуви» деб номланди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарбибот марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар рахбарлари иштирокида «Оила-муқаддас даргоҳ» мавзууда анжуман ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** туризм касб-хунар коллежида Юнусобод туманидаги барча мактаблар битиривчилари учун «Касбим-Фахрим» номли очик эшиклар куни бўлиб ўтди.



№ 12 (12.073)

Баҳоси эркин нарҳда

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

- Самарқанд архитектура ва курилиш институтида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси вилоят бошқармаси ҳамкорлигига тармокда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг билим ва малакасини ошириш юзасидан ўкув-семинар уюштирилди.

- Жиззах шаҳридаги 1-оилавий поликлиникада Мустаҳкам оила ҳили мавзуда давра сухбати бўлиб ўтди. Тадбир қатнашчилари оилалар саломатлигини мухофаза килиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда тиббиёт мусасаларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларига алоҳида ўтибор қартишид.

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўриктанловининг Коракалпогистон Республикаси босқичида Кўнғирот туманидаги 100-милиция таянч пункти гонли деб топилиб, танловининг мамлакат босқичига йўлланма олди.

- Қоракўл туманидаги «Назирбек» масъулияти чекланган жамиятия ўз фаолиятни кенгайтириб, пойабзал ишлаб чиқариши йўлга кўйди. Бунинг учун банк томонидан ажратилган 30 миллион сўмлик кредит кўл келди. Ҳозирда дастлабки 20 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

- Қиброй туманидаги «Чинонбод Мирахмедов Шуҳрат» фермер хўжалиги қошидаги сутни қайта ишлаш корхонасида 300 миллион сўмлик модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, бу ерда ҳозирда замонавий дасттоҳлар ёрдамида кунига 2,5 тонна сут қайта ишланиб, истеъмолчиларга 10 турдан ортиқ сифатли маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Шунингдек, хўжаликда Германиядан келтирилган 64 бош наслдор корамол парваришиланяпти.

**ЖАҲОНДА**

- Приднестровье парламенти бош вазирни тасдиқлаш масаласини кўриб чиқади.

- Сербия Ички ишлар вазирлиги мамлакат расмийларига суккад уюштиришга уриниш бўлганилги ҳақидаги оммавий ахборот воситалари хабарини тасдиқлади.

- Кече Нью-Йорк хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефть нархи 2,01 долларга ошиб, бир баррели 101,71 долларни ташкил этиди. Лондонда ўтказилган савдолар натижасига кўра эса Brent русумли нефтнинг нархи 0,85 долларга кўтарилиб, бир баррели 111,29 долларга ўтди.

- Кече Жанубий Курд оролларида 5,2 балли ер кимирлаши юз берди.

- Буюк Британия ҳукумати Лондон ва Бирмингем шаҳарлари ўтасида поездлар юкори тезлиқида ҳаракатланувчи темир ўйлари курилишига руҳсат берди. Умумий узунлиги 225 километрни ташкил этадиган мазкур темир ўйлуда эндиликда поездлар соатига 360 километр тезлиқида ҳаракатланана олади. Бу эса ҳар иккала шаҳар орасидаги масофани 49 дақиқа ичди ўтиши имконини беради. Маълумотларга кўра, бу лойиҳанинг киймати 32 миллиард 700 миллион фортстерлинга тенг.

- НАСА «Фобос Гронт» илмий станцияси ҳалолатига Америка радарлари таъсир кўрсатгани тўғрисидаги Россиянинг таҳминларини тасдиқламади.

- Лос-Анжелесдаги санъат музейи галереяси гаройиб экспонат билан бойиди. Бу ердан рассом Крисс Берден томонидан ишланган келажак шаҳри макети ўрин олди. Унда минглаб автомобиллар қатнай оладиган ва устма-уст жойлашган магистрал ҳамда 13 та поезд ҳаракати акс этирилган. Ушбу ўйлар кўп қавати биноларни худди ўргимчак тўри каби ўраб олган. Рассом ушбу макетни тайёрлашга беш йил вақт сарфлаган.





## Футбол

ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ  
ЭТМОҚДА

Футбол мұхлисларини жорий үйлдә ҳам Үзбекистон миллий ва олимпия терма жамоаларимиз иштирокидаги мұхым халқаро учрашувлар күтиб турибди.

Маълумки, 5 февраль куни Үзбекистон олимпия терма жамоасы «Лондон-2012» йўллараси учун австралиялар билан ўз майдонида Олимпиада ўйинларига саралаш турнирининг навбатдаги босқичи гурух баҳсида куч синашади. 29 февраль куни эса Үзбекистон миллий терма жамоаси Японияда күннікар юрт терма жамоасига қарши жаҳон чемпионатига саралаш турнири учини босқичининг гурух беллашувидаги майдонга тушади. Бу учрашувлар оралығыда миллий терма жамоамис зерткелерде олимпиячиларимиз ўртклик учрашувларда иштирок этишиади. Ушбу мұхым баҳспарда иштирок этиши учун 30 нафар футбольдан таркиб топған миллий терма жамоаларимиз аъзолари куни кече Кувайтта жұнаб кетишиди. Чунки сафарда қытъамизнинг анча кучи жамоаларидан хисобланған Кувайт терма жамоаси билан назорат ўртклик учрашуви уюштирилади. Ушбу баҳс олдида терма жамоамис Ташкенттеги «Локомотив» командаһиси билан ўртклик учрашуви омадини синаб күрди. Терма жамоамизнинг түлік устунлигига ўтган ўйин 4:0 хисобда Абрамов шогирдларининг галабаси билан яқулауди. Бу сафар майдонда умиди ёш футболчи Аббосбек Махсұталиев ҳам ҳаракат килди.

Ахмад ЭРГАШЕВ

**Оилада соглом турмуш тарзини тарғиб қилинча, бирламчи тиббиёт бүгенидаги фаолиятни янада мувоғиқлаштириша оиласыв поликлиникаларнинг тутган үрни катта.**

ҲАМКОРЛИК ФАЛАБАГА  
ЕТАКЛАДИ

Кейинги йилларда пойтахтимиздаги барча оиласыв поликлиникаларнинг фаолият тизими тубдан ўзгарди. Уларда халқаро стандарттарға жаһоб берадиган замонавий диагностика аппаратлары амалиеті татбик қилинди. Малакали кадрларнинг билим ва тажрибалари бойтитил, кайтадан ўқытуды ҳамда маҳсус дастурлар асосида фаолиеттери йўлга кўйилди.

Пойтахтимиздаги 17-оиласыв поликлиника ҳам замонавий шифононалардан бирита айланди. Унинг моддий-техник негизи янада мустаҳкамланди. Оиласывда тиббиёт маданиятни шакллантиришга эътибор каратиди.

— Бугунки кунда поликлиникамиз 30 мин ахолига хизмат кўрсатмоқда, — деди шифкор Шахноза Ахмедова. — Ахоли ўртасида соглом турмуш тарзини тарғиб этиши таддивларни ҳам ўз самарасини берадиган. Бизда физиотерапия бўлими, аёллар шифкори, клиник ва биомимелабораториялари ҳам ишлаб турибди. «Энг намунали оиласыв поликлиника» танловида Тошкент шаҳри бўйича биринчи ўринин кўлга киритиди. Бунда маҳалла ва тальлим масканлари билан ўрнатилган ҳамкорлик ҳам эътиборга олинди.

## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

**Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Учтепа спорт техника клуби нодавлат таълим муассасаси Республикализм хавфсизлиги, унинг Қуролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, кенг ҳалқ оммаси, хусусан ёшларни меҳнатга ва Ватанини ҳимоя қилишга, техник мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимларни тайёрлашга хизмат қилади.**

Шу билан бирга спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириши ҳамда янги иш жойларини ташкил этиши, аҳолини иш билан таъминлашда давлат ташкилотларига яқиндан кўмаклашиб келади.

— Ватанин севиш шу азиз тупроқни кўз қорачиғидек асрардан бошланади, — деди ўқув муассасаси директори Баҳтиёр Рашидов. — Шундан келиб чиккан ҳолда ёшларимизда она юргатга бўлган мухаббатни ўйготиш, касбхунарга ўргатиш, замонавий техникалардан мустакил фойдалана оладиган килиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратганимиз. Мақсадимиз озод ва обод Ватанга муносиб фарзандларни тарбиялаш.

Дарҳаққиқат, мамлакатимиз чегараларни мустаҳкамлиги, сарҳадларимиз даҳлилиги мард ва жасур ўғлонлар, юрт пособонлари зиммасида. Ўғил-қизларга бугун бериладиган таълим-тарбия эр-

тага мана шундай фидойи ўғлонларни вояга етказишга хизмат қилмоғи керак.

— Мустақил юртимизда нишонланадиган ҳар бир байрам ва шонли саналар мазмун-моҳиятини ўқувчиларимизни тўлиқ етказиш йўлида турли маънавий-маърифий тадбир, танлов, учрашув ва турли мусобақаларни ўтказиб келамиз, — деди маънавият ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиботи ишлари бўйича директор ўринбосари Моҳира Мирзаева. — Оммавий ватанпарварлигин ойлигидаги коммунал-қурилиш коллежи ва 193-мактаб ўқувчилари ўртасида спортивнг ўқ отиш тури бўйича мусобака, Зулфизар, Журжоний ва «Давлатобод» маҳаллалари болалари ва ўқувчиларимизнинг «Шонли Ватан тарихи» музейига саёҳатлари, ҳарбийлар, фахрийлар ва курсантларнинг «Учавлод» мавзуудаги учрашувлари ўтказилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.ru  
Буюртма Г- 141

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563



## Тадбирлар

## БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

**Миробод туман ҳокимлиги томонидан Тошкент темир йўллар транспорти касб-ҳунар коллежида «Баркамол авлод — юртимиз келажаги» мавзууда семинар-тренинг ташкил этилди.**

Тадбирда туман ҳокимлиги, туман ҳалқ таълими муассасалари фаолиятни методик таъминлаш ва ташкил этиши бўлими, туман прокуратуруси ва ИИБ вакиллари ҳамда маҳалла оқсоколлари иштирок этдилар.

Тадбир дебочасида марказга йиғилган вояга етмаган ёшларнинг маънавий дунёкараши, руҳий ҳолати ва оиласыв мухити ўрганилиб, руҳшунослар томонидан ҳар бир болага алоҳида гуруҳда машғулотлар ўтилди ва бир қатор тавсиялар берилди. Шундан сўнг семинар иштирокчилари учун маҳсус тайёрланган бадий дастур намойиш этилди. Бунда туман «Баркамол авлод» болалар маркази

folklor-raqs тўғараги аъзолари, туман мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилиари ўз концерт дастурлари билан семинар иштирокчиларини хушнуд этдилар. Шунингдек, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари кўргазмали чиқишилари ни намойиш килдилар.

Тренинг давомида туман «Баркамол авлод» болалар маркази тўғараклари фаолиятига доир катта ташкил этилди.

Семинар-тренинг сўнгидаги йиғилганларга туман «Камолот» ЁИХ томонидан эсадликов сонгайлари топширилди.

Нигора БОЙХЎЖАЕВА

## МАРКАЗ ТАШАББУСИ БИЛАН

## «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонасида йил якунлари сарҳисоб қилинди.

ҳамкорликда талабаларнинг таълим диплом, курс ва реферат ишлари учун мавзулар берилди. Корхона талабларига жавоб берадиган талабалар эса ўқишини битиргандан сўнг ишга қабул қилинади. Бундан ташкири «Электромагнит мослашув

маркази»да ички ўқув ҳам ташкил этилди. Хориж мамлакатларида алоқа корхоналарида маҳала ошириб кайтган тобили имлар иштирокида ҳам таълимий тадбирлар амалга оширилди.

Акбар АЛИЕВ

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧХ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион саводсига тақлиф этилди!

Саводга Ўзбекистон Республикаси ДАТ «Асаса» банки ОАЖ Тошкент шаҳар филиалига тегишил валюта айрбошаш шоҳобаси темир киоскаси кўйилмоқда.

Тошкент шаҳар, А.Қаххор кўчаси, 73-йда жойлашган, бошланғич баҳоси 3 675 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Миробод туман суд ижорчилари бўлими томонидан кўйилмоқда:

Автотранспорт турли, ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами

Муҳоне асосий тавсивлари

Двигатель радиами

Кузов раҳами

Бошланғич баҳоси (сўм)

Инфо хуҷоатиниң раҳами ва санси

Тико\* 2001 й. 10 Z 2543

Техник носоз, оқ

775395 ULV3S11BB1A069402

7 350 000

21/35/21

28.10.2011 й.

Тико\* 1995 й. X 652 РКМ

Техник носоз, вишновый металлик

FBC 296110 KLY3S11B0SC249034

4 587 040

23/16/7

14.11.2011 й.

Москва\*-2125\*1987 й. 01 Р 268 EA

Техник носоз, алюминий

5640749 01088601

522 400

23/16/7

14.11.2011 й.

Матио\* 2010 й. 01 791 VAA

Техник носоз, алюминий

427678 XWB4A11CDA269869

14 482 250

21/24/21

12.07.2011 й.

Тико\* 2000 й. 01 N 486 DA

Техник носоз, оқ

604374 ULV3S11BBY0A60769

8 611 454

20/05/21

17.10.2011 й.

Матио\* 2010 й. 01 N 485 FA

Техник носоз, оқ

440233 XWB4A11ADA261517

13 200 000

21/50/21

28.10.2011 й.

Матио\* 2009 й. 60 B 088 BA

Техник носоз, оқ

B1161340805-KC2

12 800 000

15/70/21

26.08.2011 й.

Матио\* 2010 й. 01 U 013 EA

Техник носоз, белая козыбакшина

439853 XWB4A11DAA271033

13 500 000

</